

Нима учун Ислом динида аввал онага яхшилик қилишга буюрилади?

20:06 / 26.04.2016 3171

САВОЛ: Нима учун Ислом динида аввал онага яхшилик қилишга буюрилади?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Бу маънонинг келиб чиқишига, яъни аввал онага, кейин отага яхшилик қилиш, яна ҳам бошқача қилиб айтганда, ота-онага яхшилик қилиш жараёнида онани олдинга ўтказиш жорий бўлишига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни машҳур ҳадислари сабаб бўлган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир одам келиб: «Кимга яхшилик қилай?» деб сўради.

Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Онангга», дедилар.

Ҳалиги сўровчи иккинчи бор сўраганда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Онангга» дедилар.

Учинчи марта сўраганда ҳам «Онангга» дейдилар ва тўртинчисида «отангга» дейдилар.

Нега онани олдинга суриб кейин отанга дедилар?

Бу маънони тушунтириш учун уламоларимиз шундай фикрни айтишадики: «Фарзанднинг дунёга келишида, уни мурғаклигидан тарбиялаб-боқиб катта қилишида отадан кўра онанинг хизматлари, машаққатлари кўп бўлади.

Ҳомила пайдо бўлишига ота-она сабаб бўлса ҳам, ота кўпроқ ҳузур-ҳаловат юзасидан бу ишга аралашади. Лекин она тўққиз ой давомида болани қорнида кўтариб юриши, ҳомила сабабидан заиф ҳол бўлиши, кўнгли айниб, боши айланиши, ҳомилани кўтариб юриши билан бирга ўзининг жисмидан уни озиклантириши ва яна бош-қа катта ва улкан машаққатларни айнан оналар бошидан кечиришади.

Шундан сўнг фарзанднинг туғилиш жараёни ҳам оналар учун катта имтиҳон, ўлимни бўйнига олиб туриб бола туғишга рози бўлгани мана шу пайтда кўрилади.

Бола туғилгандан кейин ҳам ота нафақа топиб бериш билан кифояланади. Лекин болани ювиб тараш, эмизиш, озик-овқат бериш, йиғиларига чидаб уни юпатиш, кечалари ухламасдан қараб чиқиш каби жуда кўп ва машаққатли ишларни айнан оналар бажаришади.

Ана шу эътибордан оналарни улуғлаб, оталардан устун қўйиб
Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уч марта «Отангга яхшилик
қил» деганлар.

Кейин тўртинчисида «Отангга яхшилик қил» деганлари шундан тушуниб
олинади. Валлоҳу аълам.